

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАЛЕПЕСОВА ИНДИРА МУХИТДИНОВНА**

**АНТРОПОЦЕНТРИК ХУСУСИЯТЛАРНИ ТАВСИФЛАШДА РАНГ  
СИМВОЛИЗМИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)  
in philological sciences**

**Ходжалепесова Индира Мухитдиновна**  
Антропоцентрик хусусиятларни тавсифлашда ранг символизми..... 3

**Ходжалепесова Индира Мухитдиновна**  
Символика цвета в описании антропоцентрических характеристик..... 27

**Khodjalepesova Indira Muhitdinovna**  
The colour symbolism in the description of anthropocentric characteristics ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАЛЕПЕСОВА ИНДИРА МУХИТДИНОВНА**

**АНТРОПОЦЕНТРИК ХУСУСИЯТЛАРНИ ТАВСИФЛАШДА РАНГ  
СИМВОЛИЗМИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil1065 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdhti.uz](http://www.samdhti.uz)) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Насруллаева Нафиса Зафаровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Киселёв Дмитрий Анатольевич**  
филология фанлари доктори, доцент

**Базарбаева Альбина Мингалиевна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Нукус давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс (99866) 210-00-18; e-mail: [info@samdhti.uz](mailto:info@samdhti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93. Тел.: (99866) 233-78-43, факс: (99866) 210-00-18.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**И.М.Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

**Ғ.Қ.Мирсанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

**Ш.С.Сафаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида шахс тавсифига йўналтирилган антропоцентрик ёндашув етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон тилшунослигининг асосий вазифалари қаторида шахснинг ички ва ташқи фазилатлари, ҳиссиётлари ва касбий фаолиятини таърифлашда қўлланадиган ранг рамзий маъносига эга лисоний бирликларни ўрганиш ҳамда уларнинг мулоқот ва бадий дискурда қўлланиши таъкидланган. Универсал ва ўзига хос хусусиятларни аниқлаш мақсадида ранг ифодаловчи лексемаларни лексик, фразеологик ва паремиологик сатҳларда турли тизимли ва қардош тиллар материалида таҳлил қилишда тадқиқотнинг долзарблиги ортиб боради. Турли халқларга хос ранг рамзларининг миллий-маданий мазмунини очиб бериш, антропоцентрик хусусиятларни тавсифлашда ранг ифодаловчи лексемаларининг семантик ҳолати ва прагматик мазмунини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида антропоцентрик лисоний бирликлар таҳлили когнитив тилшунослик, маданий тилшунослик, қиёсий тилшунослик доирасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, халқ ижодий фаолияти бўлмиш фразеологик бирликлар, мақоллар, маталлар, топишмоқлар, жумбоқлар ва клишелар ҳамда шахснинг ташқи қиёфаси, ёши, шахсий фазилатлари, ҳаракатлари ва турмуш тарзини, унинг ташқи таъсирга муносабатини тавсифлаш учун қўлланиладиган ранг белгиларини ўрганиш долзарблик касб этади. Мустақил равишда ёки фразеологик бирликлар ва мақол иборалари таркибида қўлланган бундай лексемалар антропоцентрик тавсифларда эмоционал-экспрессив хусусиятлар ва жонли образлилик касб этади.

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даври шаклланиши билан тилшунослик фанида антропоцентрик парадигмаси кенг ривожланди. Хусусан, шахснинг ёши, ташқи қиёфаси, феъл-атвори, мавқеи ва психологик ҳолатини тасвирлашда рангни ўрганиш нафақат ўзбек тили соҳибларида, балки бошқа қардош ва қардош бўлмаган халқларда ҳам тарихий воқеалар, урф-одатлар, анъаналар, диний маросимлар, дин, илм-фан, санъат ва адабиётнинг ранг рамзларига таъсирини кузатишга имкон берди. Ҳар бир лисоний маданиятда ранг белгиларини ифодаловчи лексемалар ёрдамида антропоцентрик хусусиятларни тавсифлашда фойдаланиладиган муайян қонуниятлар мавжуд. Антропоцентрик хусусиятларни, яъни шахснинг ташқи ва ички фазилатларини тавсифлашда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари материалида бундай бирликларни миллий-маданий ўзига хосликни аниқлаш мақсадида ўрганиш, шубҳасиз, янада долзарб аҳамият касб этади. Ушбу соҳада тадқиқотлар ўтказиш заруратини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд этади: “Биз бундай ноёб мероснинг меросхўрлари бўлиб, уларни ўрганиш, улар билан

ватандошларимизни, айниқса, ёш авлодни ҳамда халқаро ҳамжамиятни таништириш учун ҳали ҳамма нарсани қилганимиз йўқ”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари тадқиқотта муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ранг символизми мавзусига оид дунё миқёсида қуйидаги олимлар ўз тадқиқотларини бажарган: Т. Belpaeme, В. Berlin, Р. Kay, G.J. Chamberlin, М. Dowman, С.Л. Hardin, N.K. Humphrey ва бошқалар<sup>2</sup>. МДХ давлатларида тилни тадқиқ қилишда антропоцентрик ёндашув ҳамда тил ва маданият ўзаро муносабати олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган: Н.Ф. Алефиренко, Ю.Д. Апресян, Н.Н. Болдырев, А. Вежбицкая, В.В. Воробьёв, Д.О. Добровольский, О.А. Корнилов, В.В. Красных, В.А. Маслова, С.Г. Тер-Минасова ва

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 23 декабря 2017 г. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

<sup>2</sup> Belpaeme T. Factors influencing the origins of colour categories. – Vrije Universiteit Brussel: Artificial Intelligence Laboratory, 2002. – 204 p.; Berlin B., Kay P. Basic colour terms. Their universality and evolution. – USA: California Press, 1969. – 178 p.; Chamberlin G.J. Colour: its measurement, computation and application. – L., 1980. – 136 p.; Dowman M. Colour terms, syntax and modeling acquisition and evolution: PhD thesis. – University of Sydney, 2004. – 354 p.; Hardin C.L. Colour for the philosophers. – Indianapolis, 1988. – 180 p.; Humphrey N.K. The colour currency of nature. Colour for architecture. – New York: Van Nostrand, 1976. – 97 p.

бошқалар<sup>3</sup>. Антропоцентрик парадигма Д.У. Ашурова, Т.А. Бушуй, М.Р. Галиева, М.Джусупов, А.Э. Маматов, Н.З. Насруллаева, Ш.С. Сафаров ва бошқа ўзбек олимларнинг<sup>4</sup> тадқиқотларида ҳам ёритилган.

Ранг рамзларининг лисоний воқеланишини Ж.Агостон, Р.В. Алимпиева, Е.Н. Алымова, И.В. Белобородова, У.Бер каби олимлар<sup>5</sup> тадқиқ этган. О.А. Богданова<sup>6</sup> бадий матнда (Г.Грасс ижоди мисолида) ранг рамзларининг прагматик маъносини тадқиқ қилган. Ранг рамзларнинг психолингвистик мазмуни А.И. Белов, А.П. Василевич, Р.М. Фрумкиналар<sup>7</sup> тадқиқотларида ёритилган. Б.А.Базыма<sup>8</sup> рангнинг шахс руҳиятига таъсири ва шахснинг турли хил ранглар ва рангларнинг маъно нозикликларига бўлган психологик реакцияларини ўрганган. Р.М.Фрумкина ранглар ва уларнинг психолингвистик таркибини ўрганган. Н.Б.Бахлина<sup>9</sup> рус тилида ранг белгилари шаклланишининг асосий тарихий босқичларини кўрсатиб берган. А.Вежбицкая<sup>10</sup> рангнинг белгиланиши ва рангларни визуал идрок этишининг

---

<sup>3</sup> Алефиренко Н.Ф. Когнитивно-семиологическая сущность фразеологизма // Проблема семантики языковых единиц в контексте культуры. – Москва, 2006. – С. 276-281; Апресян Ю. Д. Образ человека по данным языка: попытка системного анализа // Вопросы языкознания, 1995. - № 1. – С.37-67; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии: учебное пособие. Изд.5-е, стер. – Москва-Берлин: Direct Media, 2016. – 168 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – Москва: Русские словари, 1996. – 412 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – Москва: Изд-во РУДН, 2008. – 240 с.; Добровольский Д.О. Национально-культурная специфика во фразеологии // Вопросы языкознания. – Москва, 1997. - № 6. – С. 37-49; Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. – Москва: Наука, 2003. – 348 с.; Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: курс лекций. – Москва: ИТДГК Гнозис, 2001. – 284 с.; Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику: учебное пособие для филологов. – Москва: Флинта: Наука, 2006. – 296 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – Москва: Академия, 2001. – 208 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: Слово, 2000. – 624 с.

<sup>4</sup> Ашурова Д.У. Художественный текст как экспонент культуры // Актуальные проблемы современной лингвистики. Сборник научных статей. – Ташкент: VNESHINVESTPROM, 2021. – С. 38-47; Бушуй Т.А. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011. – 384 с.; Галиева М. Язык и религиозная картина мира // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2017. - № 1. – Б. 57-62; Джусупов М. Специальная лексика и пословицы (Лингвоконтрастивные и методические аспекты). – Ташкент: Meriyyus, 2013. – 138 с.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фраземаларининг шаклланиш масалалари: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1999. – 56 с.; Насруллаева Н.З. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент, 2018. – 70 с.; Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск: Челябинский гос. ин-т культуры, 2018. – 315 с.

<sup>5</sup> Агостон Ж. Теория цвета. – Москва: Мир, 1982. – 184 с.; Алимпиева Р.В. Семантическая значимость слова и структура лексико-семантической группы: на материале прилагательных цветообозначений русского языка. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1986. – 177 с.; Алымова Е.Н. Цвет как лингвокогнитивная категория в русской языковой картине мира: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2007. – 18 с.; Белобородова И.В. Концепт «цвет» в лингвокогнитивном аспекте (на материале автобиографической прозы): Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Таганрог, 2000. – 26 с.; Бер У. Что означают цвета. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1997. – 224 с.

<sup>6</sup> Богданова О.А. Цвето- и светообозначения как одна из форм прагматического фокусирования в структуре художественного текста (на материале прозы Г. Грасса): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2000. – 19 с.

<sup>7</sup> Белов А.И. Цветовые этноэидемы как объект этнопсихолингвистики. Этнопсихолингвистика. – Москва: Наука, 1988. – С. 48-58; Василевич А.П. Исследование лексики в психолингвистическом эксперименте (на материале цветообозначения в языках разных систем). – Москва: Наука, 1987. – 144 с.; Фрумкина Р.М. Цвет, смысл, сходство: Аспекты психолингвистического анализа. – Москва: Наука, 1984. – 175 с.

<sup>8</sup> Базыма Б.А. Цвет и психика. – Харьков: Изд-во ХГАК, 2001. – 172 с.

<sup>9</sup> Бахлина Н.Б. История цветообозначения русского языка. – Москва: наука, 1975. – 545 с.

<sup>10</sup> Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – Москва: Русские словари, 1996. – 412 с.

универсаллигини аниқлаган. О.А. Данилова<sup>11</sup> англизабон шеърий матнда рангни сенсор сиймо сифатида ўрганган. Д. Джумаев<sup>12</sup> замонавий рус ва туркман тилларда рангни ифодаловчи сифатларни таҳлил қилган. Н.А. Завьялова<sup>13</sup> япон, англиз ва рус тилларда рангни ифодаловчи лексемаларни ўз таркибига олган фразеологик бирликларни тадқиқ қилган. Ю.В. Иванова<sup>14</sup> XX-XXI асрларда битилган англизабон шеърий матнларда ранг рамзларининг ўрнини аниқланган. А.А. Исаев<sup>15</sup> инсоннинг борлигида ранг ҳодисасини ўрганиб чиққан. А.М.Базарбаева<sup>16</sup> англиз, рус ва ўзбек тиллари материалида ранг ифодаловчи лексемалари ясашиш усуллари тадқиқ этган. Тилшунослик фанида ранг номларини англатувчи лексикани ўрганишга бағишланган ишларнинг мавжудлигига қарамасдан, шахснинг ички ва ташқи фазилатларини, унинг жамиятдаги мавқеини ва касбий фаолиятини нафақат лексик сатҳда, балки фразеологик ва паремиологик сатҳларда ҳам тасвирлашда ранг рамзий маъноли лисоний бирликлардан фойдаланиш ҳамда уларнинг бадий матнларда қўлланиши билан боғлиқ вазифалари кам ўрганилган ёки умуман эътиборсиз қолган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Қорақалпоқ давлат университетининг “Лисоний бирликларни қардош ва турли тизимли тилларда ўрганишнинг антропоцентрик йўналиши” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли тизимли ва қардош тиллар материалида антропоцентрик хусусиятларни тавсифлаш учун қўлланадиган ранг ифодаловчи лексик, фразеологик ва паремиологик бирликларни аниқлаш ҳамда таққосланаётган тилларда ранг рамзларининг универсал ва этномаданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ранг ифодаловчи лексик, фразеологик ва паремиологик бирликларнинг англиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида воқеланишини таққослаш, уларнинг умумий ва ўзига хос белгиларини очиб бериш;

шахснинг ички ва ташқи сифатларини таққосланаётган тилларда тавсифлаш учун қўлланиладиган лексемалар-ранг белгилари нутқий фаоллашувининг семантик ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш;

---

<sup>11</sup> Данилова О.А. Цвет как элемент сенсорного образа в структуре англоязычного поэтического текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2000. – 26 с.

<sup>12</sup> Джумаев Д. Семантика прилагательных цвета в современном русском языке (в сопоставлении с туркменским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1979. – 19 с.

<sup>13</sup> Завьялова Н.А. Фразеологизмы с компонентом цветообозначения как отражения японской, английской и русской языковых картин мира: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2007. – 24 с.

<sup>14</sup> Иванова Ю.В. Роль цветообозначений в англоязычном стихотворном тексте: на материале поэтических произведений XX-XXI веков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2008. – 18 с.

<sup>15</sup> Исаев А.А. Феномен цвета в контексте бытия человека: опыт философского анализа: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Магнитогорск, 2006. – 23 с.

<sup>16</sup> Базарбаева А.М. Когнитивно-семантическая структура цветообозначений в английском, узбекском и русском языках: Дисс. ... PhD по филол. наукам. – Ташкент, 2019. – 170 с.

таҳлил қилинаётган тилларнинг фразеологияси ва паремиологиясида антропоцентрик хусусиятларни баҳолайдиган ранг рамзларининг этномаданий ўзига хослигини очиб бериш;

шахснинг ташқи (ёши, ташқи кўриниши, соғлиги, касбий бандлиги) ва ички (руҳий ҳолати, характери, психологик реакциялари) сифатларини тасвирлашда қўлланадиган ранг ифодаловчи лексемаларини инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари материалида таснифлаш;

таққосланаётган тилларнинг бадиий матнларида қўлланган ранг рамзий маъноли антропоцентрик лисоний воситаларнинг лингвокогнитив мазмунини ва прагматик моҳиятини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида шахсни тасвирлашда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида қўлланадиган ранг ифодаловчи лексик, фразеологик ва паремиологик бирликлар танланган.

**Тадқиқот предмети** шахсни тасвирлашда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида қўлланадиган ранг ифодаловчи лексемаларининг семантик, когнитив-прагматик, миллий-маданий мазмуни ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда дескриптив усули, адабиётни танқидий таҳлил қилиш, когнитив-концептуал таҳлил, маданиятлараро таҳлил, қиёсий таҳлил, компонент таҳлили ва контекст таҳлили усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рангларнинг инсон идрокига ижобий ва салбий психологик таъсири (*black mail (шантаж)* – салбий таъсир; *оқ фотиҳа* – ижобий таъсир; *иши қара (ичи қора)* – салбий таъсир) инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида сўзлашувчилар орасида ижтимоий, моддий, оилавий, соғлиқ билан боғлиқ каби муайян сабабга кўра ранг белгиларининг аниқ ва ўзига хос ассоциатив мазмуни билан боғлиқлиги исботланган;

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги оқ, қора, қизил, кўк, сарик, яшил ва бошқа рангларни ифодаловчи лексемаларнинг инсоннинг ташқи (ёши, кўриниши, ҳолатини, саломатлик, касбий меҳнат) (*green eye* – жуда ёш, *мурны қызыл қара қан болды* – бурни қонаган, *бети қип-қизил* – соғлом, *blue coat* – полиция ходими) ва ички хусусиятларини (руҳий ҳолати, характери, психологик реакциялари) (*қара нийетли* – қора ниятли инсон, *қизариб кетмоқ*, *see red* – жаҳли чиққан) ифодалашнинг семантик маъноси ишлаб чиқилган;

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги лексик (*white* – оқ – ақ), фразеологик (*blue blood* – оқ суяк – ақ суйек) ва паремиологик сатҳларда (*There are black sheep in every flock*, *Ҳар поданинг ўз қора қўйи бор*, *Қора итнинг уяти оқ итга тегар*) антропоцентрик маълумотларни етказувчи ранг белгиларининг семантик воқеланиш механизми очиб берилиб, уларнинг грамматик ва морфологик нуктаи назардан изоморф, семантик ва миллий-маданий нуктаи назардан алломорфик хусусиятлари аниқланган;

антропоцентрик хусусиятларни (инсоннинг ташқи кўриниши, ёши, касбий фаолияти, характери ва руҳий ҳолати) тасвирлаш учун миллий менталитет, турмуш тарзи ва миллий стереотипларни тасвирловчи ранг

лексемаларининг миллий ва диний қадриятларни, миллий менталитет ва миллий маданиятни акс этувчи лингвомаданий хусусиятлари (*black gown* – рухоний, яъни рухоний киядиган қора кийим, *қора киймоқ* – аза тутмоқ) турмуш тарзи билан боғлиқ, оилавий, диний, маданий каби аниқ сабабга кўра таққосланадиган тилларнинг миллий маданияти билан алоқадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилар билан белгиланади:

шахснинг ички ва ташқи сифатларини тавсифлаш учун инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида қўлланадиган ранг ифодаловчи лексемалари тизимлаштирилган;

таққосланаётган тилларнинг ранг ифодаловчи лисоний воситаларини структуравий, семантик, прагматик ва лингвомаданий хусусиятларига кўра таҳлил қилиш ва таснифлаш методикаси ишлаб чиқилган;

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида антропоцентрик тавсифлар учун ранг рамзий маъносига эга лексик, фразеологик ва паремиологик бирликларни лингвистик тавсифлаш модели аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, антропоцентрик парадигма усулларида фойдаланилганлик, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти, ранг ифодаловчи лингвистик бирликлар бўйича тадқиқотларни янада ривожлантириш учун истиқболли, шунингдек, таҳлил ва хулосалар асосида олинган натижалардан бошқа тиллар материали тадқиқида ҳам фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Назарий маълумотлар қиёсий типология, лексикология, когнитив тилшунослик прагмалингвистика соҳалари ва матнни ўрганишда манбаларини бойишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар олий таълим тизимида “Лексикология”, “Стилистика”, “Таржима назарияси” фанларидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда, матн лингвистикаси, маданий тилшунослик, этнолингвистика, когнитив тилшунослик бўйича махсус курсларни ўқитишда, диссертациялар ва илмий мақолалар ёзишда, икки ва кўп тилли луғатларни тузишда ҳамда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий билимларини бойитишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Антропоцентрик тавсифлар учун инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ранг ифодаловчи лексик бирликларнинг қўлланишини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

инсоннинг ташқи ва ички сифатларини, шунингдек, рангнинг инсон идрокига ва руҳиятига психологик таъсирини тавсифлаш учун семантик

нуқтаи назардан инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги турли рангларни ифодаловчи лексемаларнинг таснифи ишлаб чиқилган, шунингдек, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида сўзлашувчилар ўртасида ранг белгиларининг ассоциатив мазмуни солиштирилаётган тиллардаги миллий-маданий ўзига хосликларни ифодаловчи ранг белгилари Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг таълим, тарбия билан боғлиқ миллий-маданий фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 2-02/842-сон маълумотномаси). Натижада, маданий тилшунослик, этнолингвистика, когнитив тилшунослик бўйича материаллар бойитилган ҳамда бўлажак мутахассисларнинг инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида назарий ва амалий билимлари оширилишига эришилган;

антропоцентрик ахборотни лексик, фразеологик ва паремиологик даражада, шу жумладан, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги бадиий матнларни ифодаловчи ранг белгиларининг семантик маъносини долзарблаштириш механизмларини таҳлил қилиш натижасида олинган натижалар, шунингдек, антропоцентрик хусусиятларни тавсифлаш учун ранг лексемаларининг фаолиятининг лингвомаданий хусусиятлари билан таққосланаётган тиллар миллий маданиятининг аниқланган алоқалари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ёшларга тилларни ўргатиш, онгини ривожланиш ва бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини уйғотиш каби фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим Вазирлигининг 2021 йил 27 майдаги 01-01-12/1092-сон маълумотномаси). Натижада таҳлил қилинаётган тиллардаги антропоцентрик хусусиятга эга ранг белгиларининг миллий-маданий хусусиятлари ҳамда уларни халқаро муносабатлар жараёнида қўллаш ҳамда семантикасини чуқур ўрганиш имконини берган;

солиштирилаётган тиллар бадиий адабиёти матнларида ранг белгиларига эга антропоцентрик тил бирликлари ва қорақалпоқ тилининг паремиологик бирликларининг ранг белгилари билан қўлланилишининг семантик ва лингвомаданий хусусиятларини таҳлил қилиш натижалари, уларнинг ўзига хос этимологий хусусиятлари ва сўз шакллантириш имкониятлари Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган № ФА-Ф1-ГООЗ «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 6 майдаги 98/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ тилида ранг рамзий маъноли бирликларни яшаш бўйича илмий-назарий материаллар бойитилди, бу иккилингвиал ва кўп тилли луғатларни тузиш ҳамда ранг рамзий маъноли лисоний бирликлар тадқиқотларини бошқа тиллар материалида ҳам бажариш учун асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари илмий маърузалар кўринишида 12 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни 130 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот материали тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, апробация, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ранг рамзларини тадқиқ қилишнинг лингвистик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида (3та бўлимда) ранг рамзларини тилшуносликда ўрганиш муаммоси тадқиқ этилади, антропоцентрик хусусиятларни тасвирлашда рангнинг ролини ўрганишнинг назарий асослари тақдим этилади ва “ранг рамзлари” тушунчаси кўриб чиқилади ҳамда ранг маъно нозикларининг этимологик хусусиятлари тасвирланади.

Рангни белгиловчи лексика тилшунослик, қиёсий типология, этимология, психология ва бошқа соҳаларда замонавий тадқиқотчиларнинг эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Улар ранг рамзий маъноли лисоний бирликларнинг универсаллигини (умумий белгиларини) ҳам, ноёблигини (миллий ва маданий ўзига хослигини) ҳам очиб беришган. Л.Н. Миронова рангни идрок этишнинг психологик томони халқнинг ижтимоий-маданий ва тарихий мероси билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлайди<sup>17</sup>.

Рангнинг рамзий маънолари тўғридан тўғри алоқа муҳитига, коммуникатив акт иштирокчилари ва коммуникантларнинг нутқ предметларига бўлган муносабатига боғлиқ. Рангнинг ягона семантикаси унинг таркибий қисмлари ўртасидаги парадигматик, синтагматик ва деривацион муносабатлар мажмуасидан ҳосил бўлади. Рангни англатувчи лексемалар структур ва семантик хусусиятларни ҳисобга оладиган

<sup>17</sup> Миронова Л.Н. Цвет в изобразительном искусстве. – Беларусь, 2005. – С.84.

прагматика ва стилистиканинг ўрганиш объектига айланади.

Н.В.Серовнинг мантикий ва лингвистик тасаввурларига кўра, “ранг белгиларининг семантикаси бугунги кунда рангнинг ўзаро таъсири табиий семиотик тамойил бўйича инсонларни бирлаштирадиган асосий маданий хусусиятдир”<sup>18</sup>. Ҳар бир тилда ранг белгиларига эга лексемалар фонди мавжуд. Таққосланаётган тилларнинг ранг лексикаси сифат жиҳатдан ҳам, миқдор жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Асосий ранг белгилари ва синонимик қаторлар (ҳосила маъно нозикликлари)нинг қўлланиши инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ранг олами манзарасининг универсал хусусиятдир.

Рангларни белгилашда қўлланиладиган лексемаларнинг миқдорини америкалик Б.Берлин ва П.Кей 100га яқин турли тиллар материалида ўрганган. Уларнинг хулосасига кўра, ҳар қандай ривожланган тилда рангларни белгилаш учун ўн битта асосий лексема мавжуд<sup>19</sup>. Худди шу назарияни У.Л.Чейф қўллаб-қувватлаган: “Тарчи турли тиллар ўзларининг луғат бойлигида турли миқдордаги ранг тоифаларини қайд қилсаларда, ўн битта рангдан иборат универсал тўплам мавжуд”<sup>20</sup>.

Ҳар бир ранг маълум бир рамзий маънога эга бўлиб, асосан ташқи дунё предметлари билан боғланган. Рангни идрок этиш жараёнида инсон турли хил нарса ва ҳодисаларнинг маълум белгиларини, сифатларини, томонларини ажратиб кўрсатади. Бирор ранг таъсирида пайдо бўладиган ҳис туйғулар доимо шу рангга бўялган предмет ёки ҳодиса билан боғлиқ бўлган ҳиссиётларга ўхшайди. С.Г.Тер-Минасованинг таъкидлашича, атрофдаги муҳит ва ранг континуумини қисмларга ажратишдаги фарқни одамларнинг яшаш ва меҳнат шароитларидаги фарқларга ва воқеликни тилда батафсилроқ ёки, аксинча, кўпроқ умумлаштирилган ҳолда акс эттиришга бўлган амалий эҳтиёж асосида тушунтириш мумкин<sup>21</sup>. Ранг белгилари маданий кодларнинг таркибий қисмлари сифатида турли хил сифатларда кўриб чиқилиши учун барча имкониятларга эга, шунга кўра, уларнинг тадқиқот соҳалари ҳам фарқ қилади, тадқиқот ғояларининг кенг доираси уларни ўрганишнинг турли усулларини ажратиб кўрсатишга имкон беради<sup>22</sup>.

Кўпгина тилшунослар лексемалар-ранг номларининг аксарияти сифатлар эканлигини таъкидлашади. Бироқ рангларни бошқа сўз туркумлари: феъллар, отлар, сифатдошлар ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, инглиз тилида *to redden* (қизармоқ) феъли, ўзбек тилида *саргаймоқ* феъли, *қизарган*, *оқариб* сифатдоши ва бошқалар қўлланади.

Ранг белгиларининг ҳар бир лингвистик маданиятда ўз тарихи ва ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари мавжуд. Масалан, инглизларда *yellow journal* – бульвар журнали ибораси бор. Бу 1895 йил билан боғлиқ, чунки ўша пайтда “New York World” журналининг сонларидан бирида рангли фотосурат

<sup>18</sup> Серов Н.В. Эстетика цвета. Методологические аспекты хроматизма. – СПб.: Бионт, 1997. – С.47.

<sup>19</sup> V. Berlin, P. Kay. Basic colour terms. Their universality and evolution. – USA: California Press, 1969. – P. 81.

<sup>20</sup> У.Л. Чейф. Значение и структура языка. Пер. с англ. Г.С. Щура. – Москва: Прогресс, 1975. – С.99.

<sup>21</sup> Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: Слово, 2000. – С.321.

<sup>22</sup> Новиков Ф.Н. Цветообозначения как культурный коды. Лексический массив цветообозначений в русском, английском и французском языках. // Вестник РУДН. Серия «Теория языка. Семиотика. Семантика». – Москва, 2004. - № 3. – С. 34.

жойлаштирилган, бу ўша пайтда камдан-кам учрайдиган ҳолат бўлган. Бу шов-шувга айлантириш ва ўқувчиларни жалб қилиш мақсадида қилинган. Суратда сариқ рангдаги бола тасвирланган<sup>23</sup>. Худди шу сариқ ранг ўзбек тилида тангалар билан боғлиқ: *сариқ чақаси йўқ: Битта-ю битта камчилиги – киссасида сариқ чақаси йўқ, шитийдам эди* [О.Ёкубов].

Қорақалпоқ тилида *сариқ* лексемаси билан ифодаланадиган сариқ ранг асосан одамнинг соч рангини тасвирлаш учун қўлланади: *сары жигит, сары ҳаял*<sup>24</sup>.

Таъкидлаш жоизки, асосий рангларнинг аксарияти (ўрганилаётган тилларда уларнинг 11 таси мавжуд) таққосланаётган тилларда бевосита эквивалентларга эга: оқ ранг: ингл. *white* – ўзб. *оқ* – қорақ. *ақ* ёки қизил ранг: ингл. *red* – ўзб. *қизил* – қорақ. *Қизыл*. Асосий ранглар номлари одатда битта морфемадан иборат бўлиб, бошқа рангларнинг маъно нозикликларини акс эттирмайди. Улар соч рангини тасвирлайдиган инглизча *blond* сифати ва ўзбекча *малла* сифати каби алоҳида предметни тасвирламасдан, атрофдаги оламнинг ҳар қандай предмети ёки ҳодисасининг рангини тавсифлашда кенг қўлланилади.

Ранг номларини ифодаловчи лексика тўғри ёки мажозий маънода қўлланиши мумкин. Тўғри маънода бундай лексемалар атрофдаги муҳит нарсаларининг ҳақиқий рангларини тасвирлайди. Мажозий маъно ранг белгисинининг метафорик қайта англаниши билан боғлиқ. Бир хил ранг номларининг тўғри ва мажозий маъносини таққослайлик: ингл: *black shoes* – қора туфлилар (тўғри маънода), *black mail* – шантаж (мажозий маънода); *red lipstick* – қизил лаб бўёғи (тўғри маънода), *red handed* – жиноят устида ушланган (мажозий маънода); ўзб.: *оқ қуш* (тўғри маънода), *оқ фотиҳа* (мажозий маънода); *қора машина* (тўғри маънода), *ичи қора* (мажозий маънода); қорақ.: *қара ақшам* (тўғри маънода), *қара нийетли* (мажозий маънода).

Агар “ранг” концептининг тузилиши кўриб чиқилса, у ҳолда ядро ва периферияни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади. Ядро асосий ранг номидан, ясама номлардан, қўшма сўзлардан ва турғун сўз бирикмаларидан ташкил топади. Бунга аввало атроф муҳитдаги бирон-бир объектнинг рангини англатувчи лексемалар киради. Кўпинча бу мева, гул ва озиқ-овқат ранги маъноси ифодаловчи лексемалардир. Қиёсланг:

Инглиз тилида: *cream* – қаймоқранг, *chocolate* – шоколадранг, *brandy* – коньякранг ва бошқалар.

Ўзбек тилида: *қаймоқранг, буғдойранг, сабзиранг* ва бошқалар.

Қорақалпоқ тилида: *қаймақ рең* – сутдай, *бийдай рең* – буғдойранг, *қизыл алма рең* – олма каби қизил, *жамбылша сары* – жамбилша (эрта пишадиган қовун нави) сингари сариқ ва бошқалар.

<sup>23</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.1055.

<sup>24</sup> Баскаков Н.А. Каракалпакско-русский словарь. Под редакцией проф. Н.А. Баскакова. – Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1958. – С.566.

Табиат ҳодисалари ва жонсиз табиат объектлари номларидан ҳосил бўлган ранглари англатувчи лексемалар ҳам ранг номларининг умумий захирасини янги ранглари ва ранг маъно нозикликлари билан тўлдиради:

Инглиз тилида: *ruby* – ёқутранг, *silver* – кумушранг, *gold* – олтинранг, *snowy* – қорранг, *emerald* – зумрадранинг ва бошқалар.

Ўзбек тилида: *олтинранг*, *зумрад*, *кумуш*, *оловранг* ва бошқалар:

Унинг олтин ранг ва сал кумуш тоб сочлари тизмасидан настроққа тушиб турарди. Лекин уни ҳеч ким чиройли деб айтолмасди [“Оталар ва болалар”, 2015, б.38].

Қорақалпоқ тилида: *аспанкөк* – ҳаво ранг, *алтын рең* – олтинранг, *гумисрең* – кумушранг, *сия рең* – бинафша ранг, *кулрең* – кўк-кулранг, *қырмызырең* – тўқ қизилва бошқалар.

Таққосланаётган тилларда қимматбаҳо тош ва металлларнинг ранглари ранг англатувчи лексика таркибига кирган: ингл.: *silver* – кумушранг; *ruby* – ёқутранг; ўзб.: *тилла*, *зумрад*, *феруза*; қорақ.: *алтын рең* – олтинранг ва бошқалар.

Ўсимлик, сабзавот ва меваларнинг номлари рамзий ранг маъноли бир қатор лексемаларни ясада муҳим рол ўйнаган: ингл.: *dahlia-purple* – бинафша ранг, *serene* – сирен ранг (оч бинафша ранг), *lemon* – лимон ранг; ўзб.: *қизғалдоқ* – қизил ранг, *писта ранг*, *баклажон* – баклажон ранг; қорақ.: *қызғылт кок* – сирен ранг, бинафша ранг ва бошқалар.

Ўзбек тилида *қоп*, *қип*, *кўм* каби кучайтиргичларга эга бўлган ранглари англатувчи лексемаларнинг қўлланиши воситасида ранг рамзий ишораларининг кучайиш ҳоллари кузатилади. Кўм-кўк рангини рус тилига тасвирланаётган предметнинг рангига боғлиқ ҳолда “зелёный-зелёный” ёки “сине-синий” тарзида таржима қилиш мумкин: *кўм-кўк бог* – зелёный сад, *кўм-кўк денгиз* – сине-синее море; *қоп-қора* – жгуче чёрный, *қип-қизил* – ярко-красный.

Баъзан ранг рамзий ифодалари турли тилларда бир хил бўлмаслиги мумкин. Масалан, инглизча *Judas hair* – қизғич сочли, малласоч<sup>25</sup> фразеологизми рангнинг англатувчи лексемани ўз ичига олмайди, бироқ “малласоч” маъносини воқелантиради. Тилда ранг ёрдамида одамларнинг ўзаро муносабатлари аниқланиши мумкин: *соқолининг оқини ҳурмат қилмоқ*<sup>26</sup>.

Одамларнинг бирон-бир янгилик ёки қутилмаган ҳодисага нисбатан ташқи кўринишида намоён бўладиган реакцияларини тавсифловчи иборалар инглиз тилида алоҳида оммабоплик касб этган: *turn red in the face* – қизариб кетмоқ, *қип-қизармоқ*; *(as) white as a sheet (ёки death)* – бўздек оқарган (ўлим) ва *(as) pale as a ghost* (или *ashes*) – ўликдай оқарган, бўздек оқарган<sup>27</sup>.

<sup>25</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.413.

<sup>26</sup> Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент: Главная редакция Узбекской Энциклопедии, 1989. – С.233.

<sup>27</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.678.

Асосий ранглар кўпинча универсал рамзий маъноларни воқелантиради. Масалан, таққосланаётган барча тилларда қора ранг ёмон, ёвуз, шайтоний нарса билан ассоциацияланади: инглиз тилида: *black as devil* – ичи қора, *black day* – қора кун, омадсиз кун; ўзбек тилида: *ичи қора*, *қора ши*; қорақалпоқ тилида: *қара нийетли* – ёмон ният билан.

Шундай қилиб, инсонни ва атроф муҳитдаги объект-ҳодисаларни тасвирлашда қўлланадиган ранг рамзлари турли лисоний маданиятларда ўхшашлик ва фарқларга эга. Бу халқлар ва лисоний шахсларнинг ахлоқий-диний, этномаданий ўзига хослиги, ижтимоий-тарихий келиб чиқиши билан боғлиқ. Ўрганилаётган тилларнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маънога ва қўлланишнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Бу ўзига хослик, айниқса, шахсни тавсифлашда, унинг ёши, ташқи қиёфаси, ижтимоий ҳолати, касбий бандлиги, шахсий хусусиятлари ва рухий ҳолатлари тасвирида яққол намоён бўлади. Ранглар жуда ранг-баранг ва ифодали тарзда ажойиб ва ноёб, баъзида антропоцентрик фазилатлар тасвирига янгича хислат киритадиган метафорик ва муболағали сиймони яратади.

Диссертациянинг **“Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида антропоцентрик ранг белгиларининг таснифи”** деб номланган иккинчи бобида (7 та параграф) шахснинг ташқи ва ички фазилатларини тасвирлашда қўлланадиган оқ, қора, қизил, кўк (мовий) сариқ, яшил ва бошқа рангларнинг рамзий ишоралари кўплаб мисоллар воситасида изоҳланади.

Оқ ранг – тинчлик ва осойишталик рамзи. В.Кандинскийнинг фикрича, оқ ранг сукунат, тўхтаб, вақтинчалик тугаш рамзий маъноларига эга<sup>28</sup>. Оқ рангнинг когнитив мазмуни ёрқин, яхши, эзгули нарса билан боғлиқ. Оқ ранг – куч ва соғлиқ манбаи, қалб ва ниятларнинг поклиги, қайғу ва бахтсизликнинг йўқлиги рамзидир, бу – бахт, қувонч ва муваффақиятдан дарак беради. Умуман олганда, оқ ранг яхши бошланиш билан боғлиқ. В.Тэрнер оқ ранг унга илоҳий маъно берган инсоннинг ҳаётий тажрибаси билан чамбарчас боғлиқ, деб ҳисоблайди. Психоллингвистикада оқ ранг фикрлар ва хатти-ҳаракатларнинг поклигига ишора қилади<sup>29</sup>.

Инглиз тилида оқ ранг *white* лексемаси, ўзбек тилида *оқ* лексемаси билан, қорақалпоқ тилида эса *ақ* лексемаси орқали тақдим этилади. Шахснинг аристократик келиб чиқиши ўзбек ва қорақалпоқ тилларида оқ ранг рамзий маъносини акс эттирувчи турғун иборалар орқали ифодаланади: ўзб. *оқ суяк* = қорақ. *ақ суйек*. Инглиз тилида бунинг учун кўк ранг рамзи, яъни *blue* лексемаси қўланади: *blue blood* – “кўк қон”. Оқ ранг шахснинг ижтимоий мавқеини ҳам кўрсатиши мумкин: *white-collar job* – (амер.) муассасада, идорада ишлаш, *white-collar worker* – (амер.) ходим. “Оқ” иш мажозий маънода *white collar* – “оқ ёқа” бирикмаси ёрдамида тақдим этилади, яъни оқ кўйлак кийган ва офисда ёки идорада ишлайдиган киши.

<sup>28</sup> Кандинский В. О духовном в искусстве. // К выставке в залах Государственной Третьяковской галереи. – Москва, 1992. – С.42.

<sup>29</sup> Тэрнер В.У. Символ и ритуал. – Москва: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1983. – С.28.

Ўзбек тилида одам юзининг оқариб кетиши *ранги оқарди, авзои бузилди* иборалари билан ифодаланади<sup>30</sup>. Агар инглиз тилида оқ ранг асосан одам танаси рангини тасвирлаш учун ишлатилса, ўзбек тилида бу ранг кексаликни ифодалайди: *соч-соқолига оқ кирди; соч-соқолига оқ оралади*<sup>31</sup>; *оқ тушган (соч-соқолига)*<sup>32</sup>. *Оқ йўл* хайрихоҳлик ибораси миллий-маданий ўзига хос хусусиятга эга<sup>33</sup>. Ўзбек тилидаги *оқ йўл берсин; оқ фотиҳа (бермоқ)*<sup>34</sup>; *оқ сут берган (она)* фразеологизмларини миллий-маданий иборалар деб аташ мумкин.

Қорақалпоқча *ақ зарға* ибораси бошқа одамларга ўхшамайдиган ва ўз ҳаракатлари, турмуш тарзи ва ўзини тутиши билан ажралиб турадиган одамни тавсифлаш учун ишлатилади. *Ақ* лексемали қўйидаги иборалар қорақалпоқ тилида кенг тарқалган: *ақ нийетли, ақ суйек, ақ кокрек*.

Дунёнинг кўплаб халқлари қора рангни зулмат, ўлим ва ёвуз руҳлар билан боғлашади. Оқ ва қора ранглар энг зиддиятли ва икки томонлама ранг бўлиб, “Рамзлар луғати”нинг муаллифи Х.Э.Керлот таъкидлашича, барча дуал формулалар сингари, Егизаклар буюк афсонаси билан бевосита боғлиқдир<sup>35</sup>. Қора рангнинг когнитив таркиби ёвузлик, муваффақиятсизлик, қайғу, касаллик, ўлим, зулмат, ёмон ниятлар, ифлослик, сеҳргарлик каби фреймларни ўз ичига олади. Қора рангни англатувчи қўйидаги лексемаларни ажратиб кўрсатамиз: инглиз тилида – *black*, ўзбек тилида – *қора*, қорақалпоқ тилида – *қара*. Инглиз тилида калтакланган одам *black and blue* – мўматалок бўлиб кетган ибораси билан номланади. Ушбу фразеологик бирликнинг келиб чиқиши *to beat somebody black and blue* – кимнидир қонталашганча урмоқ ибораси билан боғлиқ; *as black as sin* (ёки *thunder*) – гуноҳ (ёки момақалдирак) сингари зим-зиё: “*I’m done*”, *thought Robinson*, “*there he is as black as thunder...*” [Ch. Reade, “It is never too late to mend”, p. 76].

Инглизча *black* лексемали турғун сўз бирикмалари орасида тарихий сўзлар учрайди: *The Black and Tans* – “қора чавкарлар”. Бу 1921 йилда Ирландиядаги шинфейнерлар ҳаракатини бостиришда қатнашган инглиз жазо отрядларининг номи эди. Расмий кийимлари туфайли уларни “қора чавкарлар” деб номлашган: улар қора фуражка ва сарғиш жигарранг мундир кийиб юрган<sup>36</sup>.

Қорақалпоқ тилида қорачадан келган одамни тавсифлашда *қара торы*, қора кўзли одамни тасвирлашда эса *қара ко’з* иборалари ишлатилади. Қорақалпоқча *қара* лексемаси тошбағир одамни номлашда қўлланиши мумкин: *қара баўыр, бахытым қара*. Шунингдек, агар одамнинг қалби “қора” бўлса, у ҳақида *қара нийетли* дейишади. Бундай одамни ўзбек тилида

<sup>30</sup> Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент: Главная редакция Узбекской Энциклопедии, 1989. – С.11.

<sup>31</sup> Ўша манба, Б. 205.

<sup>32</sup> Ўша манба, Б. 206.

<sup>33</sup> Ўша манба, Б. 205.

<sup>34</sup> Ўша манба, Б. 206

<sup>35</sup> Керлот Х.Э. Словарь символов. – Москва: REFК-book, 1994, С. 89.

<sup>36</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.91.

*ичи қора* деб аташади. Ўзбек тилида қора ранг оғир, “қора” иш билан боғлиқ, шунинг учун *қора ишчилар* сўз бирикмаси мардикорларни англатади.

Ранг рамзлари маълум бир касб мутахассислари кийиши керак бўлган кийимнинг ранги билан боғлиқ шахснинг касбий бандлигини кўрсатиши мумкин: *black coat* – рухоний, *black friar* – доминикалик роҳиб<sup>37</sup>. Ушбу иборалар соф миллий-маданий хусусиятларга эга бўлиб, инглиз черков ходимларининг диний мақоми билан боғлиқ. Ўзбек ва қорақалпоқ лисоний маданиятларида қора ранг ёки қора кийимларнинг дин билан алоқаси йўқ; қора кийим ўзбек ва қорақалпоқ халқларида мотам белгиси бўлиб хизмат қилади. Таққослайлик: ўзб.: *қора киймоқ*; қорақ.: *қара кий*.

Қора ранг белгили лексемалар шахснинг ташқи қиёфасини (тери, кўз, қошларнинг рангини), унинг ҳиссий ва руҳий ҳолатини (мотам, бахтсизлик, касбий бандлигини (инглизлардаги рухоний, идора хизматчиси), ижтимоий мавқеини (оддий халқдан чиққан киши) ва шахсий хусусиятларини (ичи қора, ярамас одам) ифодалайди. Қиёсланаётган тилларнинг ҳар бирида қора ранг рамзлари билан боғлиқ ўзига хос иборалар мавжуд. Бироқ, қардош ўзбек ва қорақалпоқ тилларида, инглиз тилидан фарқли ўлароқ, кўпроқ ўхшашликлар аниқланди. Бу ҳолат ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг миллий маданияти, урф-одатлари, диний тамойиллари ва менталитетининг айнан ўхшашлиги билан изоҳланади.

Қизил рангнинг когнитив мазмуни: куч, қудрат, бойлик ғалаба, муваффақият. Инглиз тилида қизил ранг *red* асосий лексемаси билан, ўзбек тилида *қизил* (*қип-қизил*) лексемаси, қорақалпоқ тилида *қызыл* лексемаси билан ифодаланади. Н.Ф.Пелевина қизил рангнинг афзаллигини қизил рангнинг ўзи табиатда нисбатан кам учрайдиган ранг эканлиги ва шу сабабли бошқа ранглардан аниқроқ ажралиб туриши билан изоҳлайди<sup>38</sup>.

Қизил ранг соғлом юзнинг ҳам рамзидир: (*as red as cherry* – қип-қизил, гилос каби қизил. Ўзбек тилида худди шу маънода *қип-қизил мағиздек* ибораси қўлланади, *оқи-оқ, қизили-қизил*. Бирор кутилмаган янгиликдан, кучли хаяжондан ёки ҳиссиётлардан қизариш инглизча (*as red as a lobster* – “қискичбақа каби қизил” ва (*as red as a turkey-cock* – “курка каби қизил” ибораларида ўз аксини топади<sup>39</sup>. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида қизил рангнинг уялиш ҳисси билан боғланишини таъкидлайдиган иборалар мавжуд: *қизариб кетмоқ, бет қызарып кетти, уялганнан қызар*. Қаҳр ва ғазабни ифодалаш учун қорақалпоқ тилида *қызаралма; қызарыс; қызарт* сўзлари қўлланади<sup>40</sup>.

Қизил ранг (бошқа ранглар каби) шахснинг касбий бандлигини кўрсатиши мумкин: *red coat* – инглиз аскарлари; *the red-coated gentry* – британ аскарлари; *red tab* – (ҳарбий жарг.) штаб зобити.

<sup>37</sup> Н.З. Насруллаева. Англо-русско-узбекский словарь гендерно маркированных фразеологических единиц (Инглиз-рус-ўзбек гендер белгили фразеологик луғати). – Тошкент: Наврўз, 2018. – С.11.

<sup>38</sup> Пелевина Н.Ф. Стилистический анализ художественного текста. – Л.: Просвещение, 1980. – С.150.

<sup>39</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.748.

<sup>40</sup> Баскаков Н.А. Каракалпакско-русский словарь. Под редакцией проф. Н.А. Баскакова. – Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1958. – С. 420.

Инглизча *blue* лексемаси, ўзбекча *кўк* лексемаси, қорақалпоқча *көк* лексемаси ҳам *кўк*, ҳам мовий рангни билдиради. *Blue fear* (ёки *funk*) фразеологик бирлиги ваҳимали ҳолат, саросима, қўрқув, ҳовлиқиб қолишни англатади<sup>41</sup>. Юзнинг *кўкариб кетган ранги* шахснинг носоғлом, касалманд ҳолатини англатади: *to be (look) blue about the gills* – касал кўринишга эга бўлмоқ, касал бўлиб кўринмоқ. *Кўкарик beat smb. black and blue* – кимнидр ҳушдан кетгунча урмоқ ва *be beaten black and blue* – ҳушдан кетгунча таёк емоқ ибораларида *кўк* ва *қора* ранг билан фикран боғланади.

Эркакнинг *кўк кўзлари* инглизларда энг чиройли саналади ва бу *blue-eyed boy* – севимли, эркатой иборадан ҳам кўриниб туради. Шахснинг касбий бандлиги билан боғлиқ кийимнинг *кўк ранги* қуйидаги иборалар билан ифодаланади: *the boys (ёки men) in the blue* – полициячилар, денгизчилар, яъни *кўк рангли махсус форма кийиб юрадиганлар*; *blue-coat boy* (ёки *the blue coat*) – Лондондаги *Blue-coat Hospital* ёки *Blue-coat School* номи билан машҳур бўлган хайрия мактабининг ўқувчиси. Ушбу мактаб ўқувчиларининг формаси *тўқ кўк пальто* ва сариқ пайпоқдир<sup>42</sup>. *Blue stocking* – сўзма-сўз «*кўк пайпоқ*» ибораси аёлликдан маҳрум бўлган қуруқ педант, яъни ўтакетган расмиятчи, расмий талабларни бажаришга зўр берувчи аёлга нисбатан қўлланади.

Ўзбек лисоний маданиятида *кўк рангли кийим* мотам саналади: *кўк киймоқ*<sup>43</sup>.

Инглиз тилида сариқ ранг *yellow* асосий лексемаси билан, ўзбек тилида *сарик* лексемаси билан, қорақалпоқ тилида эса *сары* лексемаси билан ифодаланади. Инглизча иборалар *yellow jersey* – мусобақаларда етакчининг сариқ майкаси; *yellow belt* – сариқ камар (дзюдода) спорт соҳасида машҳур. Глобал пандемия шароитида ҳаммага *yellow flag* – карантин байроғи тушунчаси таниш бўлиб қолди. Гепатит билан касалланган одамнинг сарғич юзи бу касалликнинг инглиз тилида *yellow*s (кўплик сонда) сўзи билан номланишига сабаб бўлган. Сариқ касаллигининг номи қорақалпоқ тилида *сары аўруў* бирикмаси билан келтирилган.

Инглизча *yellow boy* идиомаси таркибига *boy* (ўғил бола) сўзи киришига қарамай, у олтин тангани англатади. Шунга ўхшаш ўзбекча *сарик чақа* сўз бирикмаси мис тийинни англатади: *сарик чақаси йўқ*; *сарик чақага арзимаиди*.

Қорақалпоқча *аўзынын сарысы кетпеген палапан* ибораси тажрибасиз, ўз билими ва тажрибасини ошириб баҳолайдиган ва қўлдан келмайдиган ишга киришадиган ёш йигитни тасвирлаш учун қўлланади.

Агар инглиз тилида сарғиш сочли кишини тасвирлаш учун *yellow* (сарик) сўзи эмас, *blond* (оч малла) сўзи қўлланилса, қорақалпоқ тилида *сары* лексемаси ранг маъноларининг кенг доирасига эга: сариқ, оч малла, олтин

<sup>41</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.98.

<sup>42</sup> Ўша манба, Б. 112.

<sup>43</sup> Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент: Главная редакция Узбекской Энциклопедии, 1989. – С.154.

ранг: *сары жигит, сары ҳаял*<sup>44</sup>.

Яшил ранг инглиз тилида *green* лексемаси, ўзбек тилида *яшил* лексемаси ҳамда *кўк* лексемаси билан (агар ўсимликлар ҳақида гап бораётган бўлса), қорақалпоқ тилида *жасыл* лексемаси орқали ифодаланади. “Гуллаш даври, гуллаш мавсуми” маъносига эга *in the green tree* ибораси Инжил этимологиясидан келиб чиққан. Киши куч ва ҳаётий энергияга тўла бўлса, у ҳақида *he/she is in the green* – у айни кучга тўлган пайт дейишади. Америка жаргонида *the long green* ибораси долларларни англатади. Инглиз тилида бўлгани каби, ўзбек тилида ҳам яшил ранг ободликни рамзий маънода англатади: *яшил бўлиб кўринмоқ*. *Жасыл* лексемаси қорақалпоқ тилида *жас* сўзи билан бевосита боғлиқдир: *жас жигит* – ёш йигит; *анна сути аўзынан кетпеген жас* – она сути оғзидан кетмаган ёш бола<sup>45</sup>.

Инглиз тилидаги пушти рангни ифодаловчи *pink* лексемаси бир қатор ибораларда ижобий баҳога эга: *in the pink* – кучга тўлган пайт, *the pink of health* – соғлиқ тимсоли, *the pink of perfection* – камолот чўққиси<sup>46</sup>.

Қиёсланаётган тилларда ранг рамзини таркибига олган фразеологик бирликларнинг сони аниқланди ва уларнинг миқдори қуйидаги жадвалда келтирилди. Жадвалда фақатгина фразеологик луғатларда келтирилган фразеологик бирликларнинг сони кўрсатилган.

#### 1-жадвал

#### Ранг рамзини ўз таркибига олган антропоцентрик фразеологик бирликларнинг сони

Ранг	Инглиз ФБ	Ўзбек ФБ	Қорақалпоқ ФБ
Оқ	12	17	7
Қора	20	12	12
Қизил	10	7	5
Кўк	22	9	5
Сариқ	14	4	6
Яшил	9	3	4
Жами	87	52	39

Диссертациянинг “Тил ва адабиётда ранг рамзлари воқеланишининг когнитив-прагматик хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида антропоцентрик хусусиятларни тавсифлаш учун фаоллашадиган ранг рамзий маънолари фразеологик, паремиологик ва матн сатҳларида ўрганилди.

Фразеологизмларнинг ясалишида инсон омили жуда катта рол ўйнайди, чунки фразеологик бирликларнинг аксарияти инсон, унинг фаолиятининг турли соҳалари билан боғлиқ. Бундан ташқари, инсон ташқи дунё объектларига инсоний хусусиятларни улашишга интилади. Фразеология тилнинг бой имкониятларини акс эттирувчи миллий маданиятнинг ажралмас

<sup>44</sup> Баскаков Н.А. Каракалпакско-русский словарь. Под редакцией проф. Н.А. Баскакова. – Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1958. – С.566.

<sup>45</sup> Ўша манба, Б. 234.

<sup>46</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.697.

қисмидир. Фразеологик бирликлар халқ ижоди маҳсули сифатида маълум бир жойнинг табиати, халқнинг иқтисодий ҳаёти, тарихи, маданияти, турмуш тарзи, оғзаки халқ ижоди, бадиий адабиёти, санъати, илм-фани, урф-одатлари, анъаналарини акс эттиради ва бу маълумотларни авлоддан авлодга етказиб беради<sup>47</sup>.

Рангни номлаш таркибига эга бўлган бир қатор фразеологик бирликларга абстракция (мавҳумлик), яъни предметнинг жузый хусусиятлари ва алоқаларини мавҳумлаштирган ҳолда, тасаввурда ажратишга асосланган идрок этиш шакли хосдир. Мавҳумлаштиришнинг икки тури ажратилади – аналитик ва идентификацияловчи (ўхшаш ҳодисаларни бир хил деб қаровчи) мавҳумликлар. Ажратувчи мавҳумлаштириш ранг белгиларига эга бўлган куйидаги фразеологик бирликларни ўз ичига олади: *the green-eyed monster* – рашк; *blue stocking* – аёлликдан маҳрум бўлган қуруқ педантка; *оқ кўнгил*; *қара нийетли* = *ичи қора*. Идентификацияловчи абстракция куйидаги ранг таркибли фразеологик ибораларда кузатилади: *a red rag to a bull* – буқа учун қизил латта; *оқ йўл*; *ақ зарға*<sup>48</sup>.

Қорақалпоқча *көк тийиним жоқ* фразеологизми “бир тийини ҳам йўқ” деган маънони англатади. Тарихий мазмун *the Black Prince* – сўзма-сўз: «қора шаҳзода» фразеологизмида рўёбга чиқади. Қирол Эдуард III (1330-1376) нинг ўғлини шундай аташган, чунки у доимо қора совут кийиб юрган<sup>49</sup>. Ранг рамзий маъноли компонент фразеологизм таркибида ҳар доим ҳам рангни англатувчи маънони воқелантирмайди: *white elephant* – оғир ёки хонавайрон қиладиган мол-мулк, юк, қандай қутулишни билмайдиган совға. Сиам қироли, ўз фуқароларидан кимнидир хонавайрон қилмоқчи бўлса, унга муқаддас оқ фил совға қилган, уни сақлаш жуда қимматга тушган<sup>50</sup>.

Кўпинча ёзувчилар турғун сўз бирикмаларини битта таркибий қисмни бошқасига алмаштирган ҳолда ўзгартирадилар. Масалан, *a black sheep* – “қора қўй” фразеологик бирлиги таркибидаги қора ранг рамзий маъноли лексема куйидаги бадиий асар парчасида қизил рангни англатувчи лексемага алмаштирилади: *Lanny told briefly about this “red sheep” of his mother’s family. “There aren’t apt to be two American painters such active reds [U. Sinclair]. Red* (қизил) лексемасининг *sheep* (қўй) лексемаси билан бундай ноодатий бирикиши ҳазил маънонинг шаклланишига олиб келади, чунки қизил қўйлар табиатда мавжуд эмас.

Таққосланаётган тилларда рангни англатувчи лексемаларни ўз ичига олган ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини, кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ва феъл-атворини, атроф муҳит ҳодисаларига муносабатини очиб берадиган мақоллар топилди. Ранг спектрининг қизиқарли антитезаси

<sup>47</sup> Маматов А.Э. Ўзбек тили фраземаларининг шаклланиш масалалари: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1999. – С.53.

<sup>48</sup> Кошанов К.М. Краткий русско-каракалпакский фразеологический словарь. – Нукус: Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза, 2011. – С.8.

<sup>49</sup> Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – С.723.

<sup>50</sup> Ўша манба, Б. 282.

инглизча *Two blacks do not make a white* – (сўзма-сўз: икки қора оқ ҳосил қилмайди) = *Бировнинг гуноҳи билан ўзингни оқлай олмайсан* мақолида намоён бўлади. Айнан шундай антитеза асосида қуйидаги ўзбек ва қорақалпоқ мақоллари қурилган: *Қора итнинг уяти оқ итга тегар*. Қорақалпоқ тилида, аксинча, бошқа бир ғоя билдирилади: *Аққа қара жоқ, қарага шара жоқ*. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги мисолларда оқ ва қора ранглар семантикаси остида иккита қарама-қаршилик назарда тутилади: ёмон ва яхши; ёмонлик ва яхшилик. Бундан келиб чиқадики, таққосланаётган тиллар соҳибларининг олам манзарасида қора ва оқ ранг бир хилда идрок этилади.


Таққосланаётган тилларда қимматбаҳо металлларнинг номларидан ҳосил бўлган ранг белгиларига эга мақоллар мавжуд: *Kill the goose that laid the golden eggs* – Олтин тухум кўядиган товукни ўлдирмоқ. Қорақалпоқча *Сабыр тубисары алтын*.

Рангнинг қизариб кетиши инглиз тилидаги мақолларда ижобий баҳога эга, чунки у уялиш ёки виждон туйғуси билан боғлиқ: *Blushing is virtue's colour* – сўзма-сўз: “қизариб кетиш виждон белгисидир”. Қардош ўзбек ва қорақалпоқ тилларида йигит юзининг қизариб кетиши танқид қилинади: *Емен деген ағаштың ийилгени сынғаны, кызыл жүзли жигиттиң уялғаны – өлгени* = *Қизил юзли йигитнинг қизарғани* – ўлғани.

Уч тилда ранг рамзини ифодаловчи лексемаларни таркибига олган мақолларнинг сони статистик таҳлил ёрдамида аниқланди: инглиз тилида – 30 мақол, ўзбек тилида – 22 мақол, қорақалпоқ тилда – 18 мақол. Уларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро муносабатини қуйидаги диаграммада кўрсатиш мумкин:

**Диаграмма 1.**

**Қиёсланаётган тилларда ранг рамзини ўз ичига олган мақолларнинг ўзаро муносабат**



Ранг белгиларидан, айниқса, бадий матнларда бадий қаҳрамонларнинг ташқи кўринишини, хусусан, юз, соч, кўз, лаблар, тишларнинг ранги ва бошқаларни тавсифлашда кенг фойдаланилади.

### **Соч рангининг тавсифи:**

*Қиз ҳамон қўғирчоққа ўхшарди – ҳа, ажойиб малла ранг сочли, сочларига оқгуллар қўндирган қўғирчоққа ўхшарди* [“Азизим”, б. 456].

*Николай Петровичга бу жудолик қаттиқ таъсир қилиб, бир неча ҳафта ичида сочлари оқариб кетди, бироз бўлса-да овуниб келмоқ учун чет элга боришига ҳозирланган эди* [“Оталар ва болалар”, 2015, б.6]. Ушбу контекстда сочларнинг ранги нафақат ташқи хусусиятларни, балки бахтсизлик даражасини ва сочлари оқариб кетганидан бадийий персонажнинг ички кечинмаларини ҳам кўрсатади.

Эркак қаҳрамонларнинг мўйлови ва соқоли рангининг тавсифи уларга маълум бир завқ бағишлайди:

*Бу мўйловлар жуда чиройли, майин, қуюқ, олтиндай товланиб турар, юқорига қайрилиб турган учлари эса малла ранг тусда жилваланарди* [Ги де Мопассан, “Азизим”, с. 44].

*But it was the old soldier with the red beard* [Hans Christian Anderson, “The Red Shoes”, p. 89].

### **Кўз рангининг тавсифи:**

*Юзлари нафис, майин, мовий кўзлари ёниб турган бу қиз оппоқ, нозиккина қўғирчоқни эслатарди, унинг сўт каби оқ, бениҳоя тиниқ ва силлиқ бадани ...* [Ги де Мопассан, “Азизим”, с. 294].

*Бул жас жубайларга усы қызы, мына кишкене гана қара көзи аўырмай жүрсе – сол уллы бахыт* [Алп Султан, “ТУТАСЫП КЕТКЕН ТӘҒДИРЛЕР”, б. 58]. Ушбу парчада қорақалпоқча “қара көзи” ибораси кўзнинг рангини кўрсатмасдан, балки ёлғиз болани номлайди.

### **Тери рангининг тавсифи:**

*Оксананың шырайына шырай қосты. Өзи ақбозлақ адамларга ҳамме кийим де жарасады* [Муратбай Нызанов, “ДӘРБӘДАР”, б.113]. “Ақбозлақ” фразеологик бирлигида “оқ танли” маъноси воқеланган.

### **Тиш рангининг тавсифи:**

*Павел Петрович ўзининг ихчам гавдасини андак энгаштириб, табассум қилсада, лекин қўл бермади ва, ҳатто қўлини яна чўнтагига тиқиб қўйди, сўнг оппоқ тишларини ярқиратиб, кифтини қоқаркан, назокат билан тебраниб, ёқимли товушда...* [“Оталар ва болалар”, 2015, б. 20].

### **Дудоқлар рангининг тавсифи:**

*His lips are red, as the rose of his desire* [Oscar Wild, “The Happy Prince”, p. 35].

Қорақалпоқ тилида сариқ ранг рамзи инсоннинг ёшлик пайти билан боғлиқ:

*Еле аўзының сарысы кетип үлгермеген өстирим, бала үйлендирип той бериўди арман ететугын олар ушын әлле қашан жигит болып қалган, тап бүгин ертеңнен қалса генжелеп кететугындай еди* [Муратбай Нызанов, “ЕКИ АНАНЫҢ ҚЫЗЫ”, б.19]. Ажратиб кўрсатилган ибора “жуда ёш, ёшлигида, она сути оғзидан кетмаган” маъносини англатади.

Одатда, соғлом юз қизил ранг ёрдамида тавсифланади:

*... бу хонимнинг қўллари, ёноқлари қип-қизил эди, у жуда оҳанжама*

билан кийинган, сочларини галати қилиб ўрган, таманноси зўр эди [Ги де Мопассан, “Азизим”, с. 164].

Қизил ранг кўпинча бадий адабиётда нафақат персонажларнинг ташқи кўринишини, балки уларнинг ички руҳий ҳолатини (хусусан, уялиш ва хижолат ҳиссини) ҳам тасвирлаш учун қўлланади:

... *гўё унинг пинҳона ва ардоқли, жиндек номуносиб сирини ошкор қилиб қўйишган каби дов этиб қизариб кетди* [Ги де Мопассан, “Азизим”, с. 180].

*Quietly he tracked her, and his brain was red with anger* [J. Steinbeck, “Pearl”, chapter 5].

Сәўлениң жузи қызарды [Муратбай Нызанов, “ЕКИ АНАНЫҢ ҚЫЗЫ”, б.45]. Ушбу контекстда қорақалпоқ ибораси қызарды “уялди” маъносини англатади.

Қорақалпоқ лисоний маданиятида қора ранг ёлғизлик билан боғлиқ қийинчиликларни англатиши мумкин:

*Мени жат жерде адасады десең бирге жүр, болмаса қара басым – ақ кетемен* [Муратбай Нызанов, “ЕКИ АНАНЫҢ ҚЫЗЫ”, б. 4]. Ушбу контекстда “қара басым” ибораси “бир ўзи, ёлғиз” маъносини воқелантирган.

*Обалына не керек я атасы, я енеси, я күйеуи буган изине қара ермеди го деп бетине келмеди* [Муратбай Нызанов, “ЕКИ АНАНЫҢ ҚЫЗЫ”, б.71]. “Изине қара ермеди го” сўз бирикмаси “ўзидан кейин болалар қолдирмаслик, меросхўрлар қолдирмаслик” маъносини англатади.

Ажабланиш ва кўрқув ҳам персонажлар юз рангининг ўзгариши сабабларидан бири ва бадий адабиётда ушбу тасвир жуда кенг тарқалган ҳодисадир:

*Оркестр олдидаги супачада турган, фрак кийган одам Маргаритани кўриб оқариб кетди, бир амаллаб жилмайди ва бирдан қўл силтаб, бутун оркестрни оёққа турғазди* [М. Булгаков, “Уста ва Маргарита”, с. 379].

*Ранги қув ўчган Маргарита оғзини очганда настга тикилиб қолди, у ерда бояги дор ҳам, тобут ҳам дарбонхона ёнидаги йўлакка кириб кўздан гойиб бўлган эди* [М. Булгаков, “Уста ва Маргарита”, с. 382].

Демак, бадий матннинг лингвомаданий таҳлил қилиш тизимдаги маданий белгиланган тил бирликларини аниқлашни назарда тутаяди, уларнинг мажмуи ва ўзаро таъсири бутун матннинг лингвомаданий маконини ташкил этади<sup>51</sup>.

Шундай қилиб, ранг рамзлари бадий асарнинг зарурий элементи бўлиб, унда ранг ёрдамида ёрқин ва бетакрор образлар яратилади, персонажларнинг ҳис-туйғулари ифода қилинади, уларнинг ташқи ва ички хусусиятлари тасвирланади. Бошқа лисоний бирликлар билан биргаликда лексема-ранг белгилари бадий персонажларнинг антропоцентрик тавсифларига алоҳида мазмун бағишлайди, таққосланаётган тиллардаги ранг белгилари

<sup>51</sup> Ашурова Д.У. Художественный текст как экспонент культуры // Актуальные проблемы современной лингвистики. Сборник научных статей: к юбилею профессора Д.У. Ашуровой. – Ташкент: VNESHINVESTPROM, 2021. – С. 47.

лексемаларнинг этномаданий, тарихий, коннотатив ва прагматик хусусиятларини очиб беради.

## ХУЛОСА

1. Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ранг ифодаловчи лексемаларининг антропоцентрик таркибини қиёсий ўрганиш натижасида ранг рамзий маъноларининг инсон онги ҳамда ушбу тил соҳибларининг тарихи ва маданияти билан узвий ва ажралмас алоқаси мавжудлиги исботланди. Рангни англатувчи лексикани таққослаб ўрганиш мазкур тилларда ранг рамзларининг ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлашга имкон берди, бу нафақат ушбу тилларни ўрганиш, балки ранг лексикасини ўз ичига олган матнларни изоҳлаш ва таржима қилиш учун ҳам муҳимдир.

2. Ранг рамзий маъноси ранг ва шахснинг психологик ҳолати ўртасидаги муносабатни тавсифлашнинг муҳим масалаларидан биридир. Ранг рамзларининг мазмуни уни одамлар ҳаётидаги баъзи бир ҳодиса ва воқеалар билан ассоциатив боғлиқликда идрок этишни ҳамда турли лисоний маданият соҳибларига хос бўлган ранг мажозий маъноларидаги этномаданий фарқларни ўз ичига олади.

3. Ранг ифодаловчи тил бирликлари лисоний (ранглар ва улар билан боғлиқ бўлган турли хил ассоциацияларни акс эттириш қобилияти) ва ғайрилисоний (ранг рамзларининг этник тарих ва маданият билан алоқаси) омиллар таъсирида шаклланган бўлиб, эволюцион ривожланишнинг учта асосий босқичига эга: биринчи босқич (ибтидоий одамлар, қадимги дунё ва антик давр) – мифологик, иккинчи босқич (Уйғониш даври) – диний ва учинчи босқич (20-аср) – замонавий дунёнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари.

4. Таққосланаётган тилларнинг барча ранг белгилари асосий ва иккиламчи турларга ажратилади. Таққосланаётган тилларда бир хил миқдордаги асосий ранглар (жами ўн битта) фарқланиши ва турли миқдордаги уларнинг маъно нозикликлари мавжудлиги аниқланган. Асосий ранглар гуруҳи 11 та ранг рамзини ўз ичига олади: оқ, қора, жигарранг, кул ранг, кўк, яшил, қизил, сариқ, тўқ сариқ, пушти ранг ва бинафша ранг. Шу билан бирга, ҳар бир ранг ўзига хос, бир-бирига ўхшамаган, бошқа лисоний маданиятга зид бўлган рамзий маъноларга, қўлланиш частотасига ва кўп маънолик хусусиятига эга. Технология ва саноатнинг ривожланиши билан ҳар бир таҳлил қилинаётган тилнинг ранг спектрини тўлдиришда давом этадиган янги ранглар ва ранг нозикликлари пайдо бўлади.

5. Таққосланаётган тилларда ранг белгиларининг миқдордаги фарқ лисоний жамоанинг маданий ривожланиш даражаси ва амалий эҳтиёжларга мувофиқ янги ранг нозикликларини номлаш зарурати туғилиши ҳамда турли этник жамоалар томонидан турли хил тарихий даврларда рангларни ассоциатив идрок этишдаги даражаланганлик билан изоҳланади. Шунингдек, ранг рамзий маънолари фарқи ҳар бир таққосланаётган тил соҳибларининг урф-одатлари, анъаналари, миллий ва диний маросимлари, фани, санъати, адабиётининг таъсири билан ҳам боғлиқ.

6. Ранг рамзий маъноларининг антропоцентрик хусусиятларни тасвирлаш борасида тиллараро номувофиклар мавжудлиги кузатилади. Бу инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ахлоқий-диний, этник ўзига хослиги, ижтимоий-тарихий келиб чиқиши билан изоҳланади. Ўрганилаётган тилларнинг ҳар бири шахсни, унинг ёши, ташқи қиёфаси, ижтимоий мавқеи, касбий бандлигини, шахсий хусусиятлари ва психологик ҳолатини тасвирлашда ранг рамзларидан фойдаланишнинг ўзига хос маъносига, рамзий ишораларига ва ўзгача қўлланишига эга.

7. Ҳар бир ранг рамзи ўрганилаётган тилларда алоҳида сўз сифатида ҳам, бошқа сўзлар билан бирикиб фразеологик ва паремиологик бирликлар ҳосил қилган ҳолда ҳам қўлланиши мумкин. Ранг ифодаловчи лексемалар ижобий, бетараф ва салбий баҳоларни воқелантириши мумкин ва шахснинг ташқи қиёфаси, ёш тоифаси, ички ҳиссиётларини, ташқи муҳитдаги ҳодиса ва воқеаларга психологик реакцияларини тавсифлашда фаол қўлланилади. Ранг белгиларидан шахснинг касбий фаолияти, унинг ижтимоий мақоми ва молиявий аҳволини кўрсатишда кенг фойдаланилган.

8. Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг фразеологик бирликлари ва паремияларида иштирок этган ранг ифодаловчи лексемалар шахснинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвор моделлари, ҳаётий вазиятлари ва шахсий хусусиятларига ҳар хил баҳо беради. Мақоллар ва фразеологик бирликлар таркибида ранг рамзий маъноли компонентларнинг маъноси метафора ёки метонимик қайта англаш ҳамда маълум бир ранг рамзларига эга бўлган ассоциациялар асосида воқеланади.

9. Рангни номловчи лексемаларни ўрганишнинг муҳим босқичини уларнинг бадиий асарлардаги контекстуал хусусиятларининг таҳлили ташкил этади. Бундай таҳмил антропоцентрик тавсифларнинг коннотатив, прагматик, когнитив ва лингвомаданий хусусиятларини очиб беришга, асарнинг ботиний мазмунига кириб боришга ва бадиий образларни, уларнинг ташқи ва ички фазилатларини аниқ акс эттиришга имкон беради. Бадиий матнда ранг рамзий маъноли лексемалар алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси шаклида, шунингдек, фразеологик ибора ёки яхлит мақол таркибида ҳам қўлланиши мумкин.

10. Таққосланаётган тиллар контекстида ранг рамзларини чоғиштириб ўрганиш бадиий персонажларнинг антропоцентрик хусусиятларини тасвирлашда ранг ифодаловчи лексемаларининг қўлланишидаги ўхшашлик ва фарқларни очиб беришга имкон берди. Ранг рамзлари семантикасидаги ўхшашликлар таққосланаётган тиллар соҳибларининг муайян ранглар, уларнинг атроқ муҳитдаги ҳодисалар билан ассоциациялари тўғрисидаги универсал тасаввурлари билан боғлиқ. Фарқлар, ўз навбатида, тарихий фактлар, диний эътиқодлар, халқ афсоналари, муайян ранглар, уларнинг шахс билан, унинг ижтимоий муҳити ва маънавий олами билан боғлиқлиги ҳақидаги миллий ва маданий тасаввурлари билан изоҳланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОДЖАЛЕПЕСОВА ИНДИРА МУХИТДИНОВНА**

**СИМВОЛИКА ЦВЕТА В ОПИСАНИИ АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКИХ  
ХАРАКТЕРИСТИК**

**10.00.06 - Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.4.PhD/Fil1065.**

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Насруллаева Нафиса Зафаровна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Киселёв Дмитрий Анатольевич**  
доктор филологических наук, доцент

**Базарбаева Альбина Мингалиевна**  
доктор философии по филологическим наукам (PhD)

**Ведущая организация:** **Нукусский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 при Самаркандском государственном институте иностранных языков. (Адрес: 140104, г. Самарканд, улица Бустонсарой, 93. Тел: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована за номером \_\_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, улица Бустонсарой, 93. Тел.: (99866) 233-78-43.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года  
(Протокол реестра рассылки за № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)

**И.М.Тухтасинов**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор педагогических наук, профессор

**Г.К.Мирсанов**  
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, доцент

**Ш.С.Сафаров**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы исследования.** В мировой лингвистике антропоцентрический подход, направленный на описание человека занимает лидирующее место. В ряду основных задач мирового языкознания отмечается изучение языковых единиц с цветовой символикой, используемых для описания человека, его внешних и внутренних качеств, эмоционального состояния и профессиональной деятельности, а также их функционирование в коммуникации и художественном дискурсе. Актуальность подобных исследований усиливается при анализе лексем цветообозначения на материале разносистемных и родственных языков на лексическом, фразеологическом и паремиологическом уровнях с выявлением универсальных и специфических характеристик. Выявление национально-культурного содержания цветовой символики у представителей разных народов, определение семантического статуса и прагматической заданности лексем-цветообозначений в описании антропоцентрических характеристик имеет важное значение.

В ведущих научных центрах мира проводятся широкомасштабные исследования антропоцентрических языковых единиц в рамках когнитивной лингвистики, лингвокультурологии, языковой картины мира и сопоставительной лингвистики. В связи с этим изучение лексем-цветообозначения, которые используются в народном творчестве фразеологических единицах, пословицах, поговорках, загадках, крылатых выражениях и клише для описания внешности, возраста, личностных качеств, поступков и образа жизни человека, его реакции на внешнее воздействие имеют актуальное значение. Использование таких лексем самостоятельно или в составе фразеологических единиц и пословичных выражений в антропоцентрических характеристиках преобретают эмоционально-экспрессивные оттенки и яркую образность.

В Узбекистане вместе с формированием периода Третьего Ренессанса антропоцентрическая парадигма в лингвистической науке получила широкое развитие. В частности, изучение цвета в описании возраста, внешности, характера, статуса и психологического состояния человека позволило проследить влияние исторических событий, обычаев, традиций, национальных культов, религии, науки, искусства, литературы на символику цвета у носителей не только узбекского языка, но и других народов, как родственных, так и неродственных.

В каждой языковой культуре имеются определённые закономерности, используемые для описания антропоцентрических характеристик с помощью лексем цветообозначений. Изучение описания антропоцентрических характеристик, т.е. внешних и внутренних качеств человека на материале английского, узбекского и каракалпакского языков с целью выявления национально-культурной специфики, несомненно, приобретает еще большее актуальное значение. В этой области о необходимости проведения исследований Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев отмечал,

что “Мы, являясь наследниками такого уникального достояния, сделали ещё далеко не всё для их изучения, ознакомления с ними наших соотечественников, прежде всего подрастающего поколения, а также международной общественности”<sup>1</sup>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2021 года, Указа Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указа Президента Республики Узбекистан № УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, Указа Президента Республики Узбекистан № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, а также предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-5117 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** По теме в отношении символики цвета в мире проводили исследования следующие ученые: Т. Belpaeme, В. Berlin, Р. Kay, G.J. Chamberlin, М. Dowman, С.L. Hardin, N.K. Humphrey и др<sup>2</sup>. В странах СНГ антропоцентрический подход к исследованию языка, а также взаимосвязь языка с культурой отмечается в научных трудах следующих

---

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 23 декабря 2017 г., [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

<sup>2</sup> Belpaeme T. Factors influencing the origins of colour categories. – Vrije Universiteit Brussel: Artificial Intelligence Laboratory, 2002. – 204 p.; Berlin B., Kay P. Basic colour terms. Their universality and evolution. – USA: California Press, 1969. – 178 p.; Chamberlin G.J. Colour: its measurement, computation and application. – L., 1980. – 136 p.; Dowman M. Colour terms, syntax and modeling acquisition and evolution: PhD thesis. – University of Sydney, 2004. – 354 p.; Hardin C.L. Colour for the philosophers. – Indianapolis, 1988. – 180 p.; Humphrey N.K. The colour currency of nature. Colour for architecture. – New York: Van Nostrand, 1976. – 97 p.

учёных: Н.Ф. Алефиренко, Ю.Д. Апресян, Н.Н. Болдырева, А. Вежицкой, В.В. Воробьёва, Д.О. Добровольского, О.А. Корнилова, В.В. Красных, В.А. Масловой, С.Г. Тер-Минасовой и др<sup>3</sup>. Антропоцентрическую парадигму отразили в исследованиях узбекистанских учёных Д.У. Ашуровой, Т.А. Бушуй, М.Р. Галиевой, М.Джусупова, А.Э. Маматова, Н.З. Насруллаевой, Ш.С. Сафарова и др<sup>4</sup>.

Языковые исследования символики цвета проводили Ж.Агостон, Р.В. Алимбиева, Е.Н. Алымова, И.В. Белобородова, У.Бер и др<sup>5</sup>. О.А. Богданова<sup>6</sup> исследовала цвето- и светообозначения как одну из форм прагматического фокусирования в структуре художественного текста (на материале прозы Г. Грасса). Психолингвистическое содержание цветowych символов рассматривалось в исследованиях А.И. Белова, А.П. Василевича, Р.М. Фрумкиной и др<sup>7</sup>. Б.А. Базыма<sup>8</sup> изучала влияние цвета на психику человека психологическую реакцию на различные цвета и оттенки. Р.М. Фрумкина изучала цвета и их психолингвистическое содержание. Н.Б. Бахилина<sup>9</sup> продемонстрировала основные исторические этапы формирования

---

<sup>3</sup> Алефиренко Н.Ф. Когнитивно-семиологическая сущность фразеологизма // Проблема семантики языковых единиц в контексте культуры. – Москва, 2006. – С. 276-281; Апресян Ю. Д. Образ человека по данным языка: попытка системного анализа // Вопросы языкознания, 1995. - № 1. – С.37-67; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии: учебное пособие. Изд.5-е, стер. – Москва-Берлин: Direct Media, 2016. – 168 с.; Вежицкая А. Язык. Культура. Познание. – Москва: Русские словари, 1996. – 412 с.; Воробьёв В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – Москва: Изд-во РУДН, 2008. – 240 с.; Добровольский Д.О. Национально-культурная специфика во фразеологии // Вопросы языкознания. – Москва, 1997. - № 6. – С. 37-49; Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. – Москва: Наука, 2003. – 348 с.; Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: курс лекций. – Москва: ИТДГК Гнозис, 2001. – 284 с.; Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику: учебное пособие для филологов. – Москва: Флинта: Наука, 2006. – 296 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – Москва: Академия, 2001. – 208 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: Слово, 2000. – 624 с.

